

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал
ва жорий таъмирлаш ҳамда
иссиқлик таъминоти объектларини
қуриш бўйича инжиниринг
Компанияси” ДУК Навоий вилоят
филиали директори



А.Бўриев

2022 й.

ТЕХНИК ҲУЖЖАТ

Навоий ш. - 2022 йил

	Асосий маълумотлар ва талаблар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1.	Савдолар ўтказишга асос	Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги 684-сонли қонун талаблари асосида ўтказилади.
2.	Буюртмачи	“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят филиали
3.	Ишларни бажариш учун асос	Навоий шаҳар ҳокимининг 01.07.2022 йилдаги 01-03/107-сонли йиғилиш баёни
4.	Молиялаштириш манбаси	Махсус ҳисоб рақам
5.	Буюртмачи реквизита	Навоий шаҳар, А.Темур кўчаси 4-уй, ИНН: 307910413 р/с 400121860124017069902110001
6.	Объект номи	Навоий вилояти Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 142-сонли уйни мукамал таъмирлаш
7.	Буюртмачи чегаравий қиймати	214 392 785 (икки юз ун тўрт миллион уч юз туксон икки минг етти юз туксон беш) сўм
8.	Қурилишни молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бунак- 30%; -ишлар топширилгандан сўнг - 70% миқдорида тўлов.
9.	Ишларни бажариш муддати	15 кун
10.	Талаб этиладиган ҳужжатлар	Ишларни бажаришга лицензия, гувоҳнома, талабгор тўғрисида умумий маълумот, ўхшаш объектларда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот, солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида ҚҚ кодли маълумотнома
11.	Иштирокчиларга кўйиладиган талаблар	Гувоҳнома мавжудлиги; Молиявий ҳолати тўғрисида тахлилий жаҳвал (бажарган иш ҳажми, ҳисобланган иш ҳақи миқдори) Ходимлар малакаси маълумоти тўғрисида маълумотнома; Иш стажы 3,5 йилдан кам бўлмаган 4 та олий маълумотли қурилиш мутахассислари тўғрисида маълумотнома; Солик ва молиявий ҳисоботлар 01.01.2022 йил ҳолатида; талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда солик тўловчининг my.soliq.uz порталидан солик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида QR-кодли маълумотномалар тақдим этиши шарт. Доимий ишчилар сони 10 нафар ва ундан ортиқ бўлганда (доимий ишчига охириги 12 ой давомида иш ҳақи ҳисобланган бўлиши лозим меҳнат ва солик базасидаги QR-кодли маълумотномалар) Олдинги даврда бажарган ишларни ўз вақтида сифатли бажарганлигини асослантирувчи ҳужжатлар ҳамда бюртмачи томонидан кўйилган ишларга ўхшаш объектлар қилинганлиги (Охириги 3-йиллик шартномалар, давлат далолатномалари ва охириги Ф-3 нусхалари)(ушбу объект бўйича таклиф сумма ва кунларни ҳамда физик иш ҳажмларини тасдиқлаб юклаш зарур) 20% банк айланма маълумотномаси; Мавжуд техника ва жихозлар тўғрисида статистика бўлимида маълумотнома; Мавжуд техника (7 тадан кам бўлмаган) ва жихозлар (10 тадан кам бўлмаган) тўғрисида асослантирувчи маълумотномалар; Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги мавжудлиги (рейтинг маълумотини тасдиқланган ҳолда юклаш зарур)
12.	Энг яхши таклифларни	Электрон тарзда ўтказилади.

13	Тўлов ва етказиб бериш шартлари	Закалат миқдори 2% etender.uzex.uz
14.	Савдоларда иштирок этишга рухсат этилмайди	қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар; инсофсиз ижрочилар рўйхатида мавжуд ташкилотлар.